

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

“Давлат шахарсозлик кадастири” фанидан

маъруза матни

МАВЗУ: Давлат шахарсозлик кадастри
фани мақсади вазифалари ва мазмуни

А.Ашурев

Тошкент 2023

МАВЗУ: Давлат шаҳарсозлик кадастири фанининг мақсади вазифалари ва мазмуни.

Аввало биз давлат шаҳарсозлик кадастри деганда ишлатилган кадастр сўзи қандай маънони англатишини билиб олишимиз зарур. Кадастр сўзи баъзи бир манбаъларда франсуз тилидан “Kadastre” сўзидан олинган бўлиб рўйхатга олиш деган маънони англатади дейилса, бошқа манбаъларда лотин тилидаги тақдим этилган жихозларни рўйхатга олиш маъносини англатувчи “capitastrum” сўзидан олинган дейилади бошқа манбаъларда эса “кадастр” атамаси бизларга Рим ҳукумдори Август замонасидан мерос қолган деган фикрлар мавжуд, ўша даврларда ўtkazилган ер тўғрисидаги ҳужжатларни йиғиш ва аҳоли сонини рўйхатга олиш ишларини англатурчи “Capit gum registrum” сўзларининг бирлашувидан ҳосил бўлган деган маълумотлар мавжуд. Демак хулоса қилиб айтиш мумкинки кадастр сўзи бу рўйхатга олиш деган маънони билдиради десак муболаға бўлмайди.

Рўйхатга олиш дегани бу “кадастр” сўзининг тор маънодаги луғавий маъноси бўлиб. “Кадастр” тармоқ ёинки тизим сифатида қуйидагича таърифни ўз ичига олади.

Кадастр маълум бир объект (манъба) тўғрисидаги тўлиқ ва мукаммал маълумотлар йиғиндиси, тизими (маълумотлар баъзаси) десак муболаға бўлмайди.

Шу борада аҳоли яшаш жойлари деганда нима түшинилишини билиб олишимиз зарур бўлади. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига асосан, шахарлар, шахарчалар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маъмурӣ чегараларидағи барча ерлар аҳоли яшаш жойлари ерлари ҳисобланади.

Бу ерлар таркибиға қўйидагилар киради:

- 1. Шаҳар ва паселка қурилиши ерлари:**
- 2. Умумий фойдаланишдаги ерлар:**
- 3. Қишлоқ хўжалида фойдаланиладиган ерлар**
- 4. Дарахтзорлар эгаллаган ерлар**
- 5. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар**
- 6. Табиятни мұхофазақилиш, соғломлаштириш, рекреатцион ва тарихий маданий аҳамиятга молик ерлар**
- 7. Сув фонди ерлари**
- 8. Захира ерлар**

1. Шаҳар ва поселка қурилиши ерлари:

Шаҳар ва поселка қурилиши ерлари:

уй-жой, коммунал-
маиший-маърифий,
саноат, савдо, маъмурӣ
ва бошқа бинолар
ҳамда иншоотлар
қурилган ёки шундай
бино ва иншоатлар
қуриш учун берилган
ҳамма ерлари.

2. Умумий фойдаланишдаги ерлар:

Майдонилар, кӯчалар, тор
кӯчалар, йўллар, суғориш тармоғи,
соҳил бўйи ерлари ва шу каби
ерлар;

Аҳоли дам оладиган жойлар
(дарахтзорлар, боғлар, сайлгоҳлар,
хиёбонлар, шунингдек суғориш
тармоқлари эгаллаган ерлар);

Коммунал ва майший аҳамиятга
молик ерлар (қабристонлар,
чиқиндиларни зарарсизлантириш
ва улардан фойдаланиш жойлари
ва бошқа шу каби объектлар
эгаллаган ерлар);

3. Қишлоқ хұжалида фойдаланыладын ерлар

қишлоқ хұжалиги корхоналари,

муассасалари ҳамда ташкилоттарининг әгалигидаги ҳайдалма ерлар,

боғлар,

узумзорлар,

питомниклар,

яйловлар,

пичанзорлар,

сүғориш,

зах қочириш ва йўл тармоқлари,

иморатлар,

ҳовлилар,

майдонлар әгаллаб турған ерлар

бошқа ерлар;

4. Дараҳтзорлар әгаллаган ерлар – аҳолининг дам олишини ташкил этишга, шаҳардаги макроиклимини, атмосфера ҳавосини ҳолатини ва санитария – гигиена шартларини яхшилашга, аҳолини маданий – эстетик эҳтиёжларини қондиришга, шаҳар худудини сув ва шамол эрозиясидан муҳофаза қилишга мўлжалланган ерлар;



Туман майший хизмат касб ҳунар коллежи

Туман марказий шифохонаси

Жиззах вилояти Фориш туман Янгиқишишлөк шаҳарчасининг фазовий сурати.

- 5. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар – тегишли вазифалар бажариш учун корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларга берилган ерлар киради;**
- 6. Табиатни муҳофазақилиш, соғломлаштириш, рекреатцион ва тарихий маданий аҳамиятга молик ерлар – давлат қўриқхоналари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлар, табиат ёдгорликлари, табиий ва шифобахш омилларга эга бўлган, аҳолини оммавий дам олиши ва туризимни ташкил этишга мўлжалланган, тарих ва маданият ёдгорликлари эгаллаган ерлар киради;**



8. Захира ерлар – шаҳар посёлкаларни қуриш ёки лойихалашга ва бошқа шаҳарсозлик әхтиёжларига жалб қилинмаган ерлар.

Ўзбекистон Республикаси Ер фондининг тоифалари бўйича
тақсимланиши

(2014 йил 1 январ ҳолатига кўра)

Т/р	Ер фондининг тоифалари	Умумий майдон		Жумладан суғориладиган ерлар	
		Жами	Фоиз ҳисобида	Жам и	Фоиз ҳисобида
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	21453,2	48,31	4217,7	9,5
2	<i>Аҳоли пунктларининг ерлари</i>	220,4	0,50	48,3	0,1
3	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	1995,8	4,49	12,0	0,03
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	75,9	0,17	0,6	0,001
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	1,1	0,002	0	0
6	Ўрмон фонди ерлари	9462,3	21,31	30,7	0,07
7	Сув фонди ерлари	821,1	1,85	4,6	0,01


Аҳоли пунктларининг ерларига ер тузиш тартибида ана шу пунктлар учун белгилаб қўйилган чегаралар доирасидаги ҳамма ерлар киради.

Аҳоли пунктларининг чегараси. Шаҳар атрофи минтақалари. Аҳоли пунктларининг чегараси – шаҳар, поселка, қишлоқ аҳоли пункти ерларининг ташқи чегаралари бўлиб, улар ана шу ерларни бошқа тоифа ерлардан ажратиб туради.

Аҳоли пунктларининг чегарасини белгилаш тасдиқланган шаҳарсозлик ва ер тузиш хўжжатлари асосида бош режаларга асосан амалга оширилади. Аҳоли пунктларининг чегараси юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларининг чегаралари бўйича белгиланиши лозим.

Шаҳарлар атрофи минтақалари шаҳарлар билан ягона ижтимоий, табиий ва хўжалик худудини ташкил этувчи шаҳар чегарасидан ташқаридаги ерларни ўз ичига олади. Шаҳар атрофи минтақаларида шаҳар атрофидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳудудида, аҳоли дам олиш минтақалари, шаҳарни ривожлантириш учун захира ерлар ажратилади.

Тошкент шахрийинг маркази



Давлат шаҳарсозлик кадастрининг асосий ҳуқуқий манбаълари



Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси», «Фермер хўжалиги тўрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўрисида»ги, 1993 йил 6 майдаги «Ер солиғи тўғрисида»ги 1998 йил 28 августдаги «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги, 2000 йил 15 декабрдаги «Давлат кадастрлари тўғрисидаги қонун», 1998 йил 31 декабрдаги 543-сонли «Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тартиби тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа қатор меъёрий хужжатлар ерлардан фойдаланишни ташкил этишга йўналтирилган асосий давлат тадбири хисобланган ер кадастрига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб юборди. Натижада ерга егалик қилиш ва ердан фойдаланишда янги шакллар вужудга келтирди ҳамда ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар доираси кенгайди.

**Эътиборингиз учун
рахмат**